




БАҲОР ОҲАНГЛАРИ

Баҳор тоғотари боғлар
ҳавоси,
Булбуллар навоси туюлар
майин.
Шу онда мен сени соғинган
каби
Йўлингга кўзини тикдим
атайин.
Оғтоб нурларининг
саҳиллигидай,
Юрак тўлқинлари тошади бу
тонг.
Фасллар эркиси навбаҳор
кези,
Қўшиқ жарағлайди дилга
ҳамоҳанг.
Баҳор умрларининг бошидаги
тоғ,
Ғи саккиз ёшларин эркиси
баҳор.
Баҳор саломларининг
сарлаҳасидир.

Баҳорга қалблардан
мунтазирлик бор.
Ўлкам жамолини баҳордай
кўриб,
Узоқ-қичилардан кутаман
меҳмон.
Наврўзи олам деб гуллар
сайлига—
Даврага йилгиса ойжамош
шу он.
Баҳор тоғотари боғлар
ҳавоси,
Булбуллар навоси туюлар
майин.
Шу онда мен сени соғинган
каби
Йўлингга кўзини тикдим
атайин.
Юсуфжон ҲАМДАМ.

ДИЁРИМ ГЎЗАЛ

Ер яшайди, бағрига хуш келди баҳорим гўзал,
Эсар ели дилга шифо лайлу наҳорим гўзал.
Очди ҳаёт чехрасини таъби фалак гардиши,
Хислати кўн санъатидан бўлди диёрим гўзал.
Жилва қилди уйқусидан турди кўкатлар кулб,
Кўкнига гул лола тақиб ушбу хуморим гўзал.
Кўк фалагини остида тикди гўзал гул каштаси
Меҳнати хур эл ила шўх фасли баҳорим гўзал.
Дилда ҳаёт меҳри билан жўшар баҳор хандаси,
Завқи баланд булбул ила ялласи шўх ёрим гўзал.
Хушбўй этар кимки баҳор мавсумидан баҳрамайд
Бўласа, саодат боғида савти дуторим гўзал.

Аҳрор МУЗАФФАРОВ.

БАҲОР ЧИРОЙИ.

А. Абалаян фототюллари.



САНЪАТКОРЛАР МАҲАЛЛАДА

Чоштоҳдан бошлаб Тошкентда
Янги шаҳар маҳалласида
хушбабар тарқалди.
— Бугун Қўқон театрининг
артистлари клубда катта кон-
церт кўрсатишарини...

Шу кун оқшомда маҳалла-
нинг ҳашаматли катта клуби
одамлар билан лиқ тўлди,
йилгилардан санъаткорларнинг
келишини сабрсизлик билан ку-
тишарди. Маъна, автобус ҳам ке-
либ тўхтади. Меҳмонларни ма-
ҳалла меҳнаткашлари самимий
кутиб олишди.

Саҳнага театрининг режиссёри
Анвар Ёқубовнинг чиқди. У
клубда ҳозир бўлганларга Қў-
қон шаҳри меҳнаткашлари но-
мидан алағалди салом йўлаб,
театр ижодий коллективининг
фаолияти ва келажакдаги режа-
лари ҳақида қисқача сўзлаб
берди. Сўнгра хонанда, соҳнада
ва раққосалар ўз маҳоратлари-
ни намоиш қилдилар. Улар ке-
ча программасига қиритилган
хилма-хил ашула ва рақслар-
дан ташқари, томошабиллар-
нинг талабларига мувофиқ, улар
сенган ашула ва рақсларни
бажониди ижро этдилар.

Кеча охирида маҳалла коми-
тетининг раиси, тарих фанлари
кандидати Хурсайд Меликулов
аҳоли номидан катта миннат-
дорчилик билдириб, шундай де-
ди:

— Қўқонлик санъаткорлар-
нинг концерт ва спектаклларини
телевизор экранни орқали томоша
қилар эканмиз, бу аjoyиб санъ-
аткорларни маҳалламизга тақ-
лиф қилишга қарор қилдик.
Улар аҳолининг илтимосини ба-
жониди қабул қилиб бугун
билим бешоҳа хурсайд этишди.
Бир неча кундирки, Ҳамза

Ҳакимзода Ибнзий номидаги
Қўқон Давлат драм театрининг
ижодий коллективини пойтахти-
мизда меҳмон бўлиб турибди.
Коллектив Тошкент телевидение
студиясининг тақлифига муво-
фиқ келган. Улар ўзларининг
ёқимли ашулалари, жозибали
рақслари, дилрабо куйлари ва
аjoyиб спектаклларини пойтахт-
лик меҳнаткашларига «запори-
ти» орқали намоиш қи-
лишди.

Ижодий коллективнинг То-
ғоқ тундаги кўннинг 160 йил-
лиги шарафига тайёрлаган «Уй-
лининг» спектакли ҳам теле-
мошабилларда жуда катта таас-
сурот қолдирди.

Шу кунлар ичда маҳалла
меҳнаткашлари ўртасида ҳамда
«запори экран» орқали ўз
санъатларини намоиш қилган
Ўзбекистон халқ артистлари
Ҳайтхон Маҳмудов, Занжирани
Мирзатов, республикада хизмат
кўрсатган артистлар Махбуба
Мансурова, Раҳима Мазохидо-
ва, Соҳиб Очилов, Саодат
Очилов, Ёш талантлардан
Саодат Сайфутдинова, Мақсуда
Тошматова, Муборак Акрамова
ва Мамадали Аъзамов ўртоқлар
маҳоратларидан санъат мухлис-
лари бениҳоя хушбў бўлишди.

М. ИБРОҲИМОВ.

ТУРИСТИК САЁХАТ

«Юний Ўзбекистон» турист-
тик поезднинг бу сафари улуғ
дохий яшанган ва бўлган тарихий
жойлар бўйлаб ўтказилди. Саё-
хатни ўтказишдан мақсад —
ўқувчиларни Ленин ҳаёти, ва
революцион фаолияти билан
яқиндан таништириш эди.

Туристтик поездда Оржоникид-
зе, Калинин, Бўна, Бекобод,
районлари ва Бекобод, Олмалик,
Чирчиқ шаҳарлари мактаблари-
нинг 100 дан ортиқ ўқувчилари
саёхат қилди. Ўқувчилар жо-
наж Москва бўлдилар. Пой-
тахтдаги Ленинское Горни, Ло-
моносов номидаги Москва Дав-
лат университетини томоша қи-
лдilar.

Област болалар туристик ба-
заси томонидан уюштирилган бу
юбилей олдиди экскурсияси бола-
ларда катта таассурот қолдир-
ди. Бундай мазмунли саёхатни
ташқил этишда республика ту-
ристтик поезд коллективини яқин-
дан ёрдам берди.

Т. РАҲИМЖОНОВ.

ИНСТИТУТ УЧУН ЯНГИ КОРПУС

Охангарондаги Тошкент об-
ласт педагогика институтини ўзи-
нинг қадирлиқ кадрларини
«учирма» қилганича йўқ. Аммо,
бу олий ўқув юрти ўз фаолияти-
ни жонлантириб юборган.

Республикамиздаги кенга пе-
дагогика институтининг истек-
боли борлиги ўзи ҳамма кулай-
ликлар тўла муҳайё этилади.
Бинода ўқув корпуси билан бир
қаторда спорт ва мажлислар за-
ли ҳам бўлади. Студент ва ўқи-
тувчилар учун ётоқхона, сув
бассейни ва стадион ҳам арму-
гон қилинади.

Институтнинг янги корпуси
қаршида Охангарон кўйи қи-
яни очган атоқли геолог Г.
Чекрезовга ҳайкал ўрнатилади.

ШУНАҚАСИ ҲАМ

БҲЛАДИ

ВАХШИЙНИНГ ИШИ

Гоҳ гошини, гоҳ ўрдақнинг бо-
ларини гошиб бўлиб қоларди. Ки-
шилар бу иш калхатининг «хуна-
ри» бўлса керак, деб уш айбон-
дилар. Қўларининг бирда бола-
лар айбдорини қўлда тағ ҳолда
қўриб қолдилар. Калхат ҳаёте ик-
ки қаноти билан сувиш шонилла-
тар, ҳавога кўтаришолмасди. Вир-
дан сув чўқалиб кетди ва калхат
қанотларини остида катта чўртон ба,
лиқини думи қўришиб қолди.

Болалар балқини чўчиниб жо-
ришди, овоз бўлган калхат учиб
кетди. Кўз ўтмай балқинлар чўр-
тон балқини тутиб олишди. Ўшан-
дан бери қўлда роз ва ўрдақ бола-
лари йўқолмайдиган бўлди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

„ПОЛИТОТДЕЛ“НИНГ БИРИНЧИ ҒАЛАБАСИ

«А» классининг иккинчи лигаси
командалари ўртасидаги иккинчи тур
мусобақалари Ўзбекистон футболчи-
ларининг муваффақияти билан якуни-
ланди. Жумадан, Сумгант шаҳрида
маҳаллий «Полад» командаси билан
уйбаган «Политотдел» колхозини фут-
болчилари рақиблари дарвозасига
битта тўп уриб, иккин очко олдилар.
Навойи шаҳрининг «Зарафшон» фут-
болчилари яна ғалабага эришди.
Улар бу сафар «Молдова» коллектини-
ни 1:0 ҳисобида ютдилар. Фарғона-
да бўлган ўйинда дуранг натижа
қайд қилинди: «Нефтяник» — «Дау-
гава» — 2:2.

СССР ёшлар терма командаси
Франциянинг Канн шаҳрида ўтказил-
ган халқаро турнирнинг ярим финал
учрашувига рўминиялик тенгдошлари
билан 1:1 ҳисобида дуранг қилдилар.
Аммо улар мусобақаларни давом
этириш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар.
Футболчиларнинг ёшлари кўриб
чиқилганда, совет вакиллари рақиб-
ларидан сал катталиги маълум
бўлди. Шундай қилиб, турнирнинг
финалида Франция ва Руминия терма
командалари чиқди.

Мексика терма командаси футбол-
чилари Европа мамлакатлари бўйлаб
сафарга чиқдилар, Улар Лиссабонда
Португалия терма командаси билан
учрашди, 0:0 ҳисобида дуранг нати-
жага эришдилар.

ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Тбилисда хотин-қизлар ўртасида
жаҳон чемпионлиги учун кураш бош-
ланди. Жаҳон чемпионли Нина Гапри-
дашвили шу юмга даъвогар Алла
Кўшир билан 16 партидан иборат
матч ўйнашди. Мусобақанинг даст-
лабки саккизи ўйини Тбилисда, қол-
ганлари Москвада бўлади.

Ленинградлик грессмейстер В.
Коричой Югославиянинг Сараево
шаҳрида ўтказилган халқаро шахмат
турнирида голиб чиқди. У биронга
учрашувда ҳам мағлубиятга учра-
май, 15 имкониятдан 12 очко тўплади.

РИГАЛИКЛАР САККИЗИНЧИ МАРТА ЧЕМПИОН

Абблар ўртасида Совет Иттифоқи
чемпиони номини Риганинг машҳур
ТТТ командаси саккизинчи марта
олишга муваффақ бўлди. Москва об-

ластининг «Спартак» баскетболчилари
кумуш медал, Вильнюс баскет.
болчи қизлари бронза медали билан
тақдирландилар.

СПАРТАКЧИЛАР ПЕШҚАДАМ

Хоней бўйича мамлакат чемпион-
лиги Москва спартакчилари пешқа-
дам бўлиб олдилар. Улар «Спарти» ту-
да Свердловскининг «Автомобилист»

коллективини 10:0 ҳисобида енгди-
лар. Пойтахт динамичилари «Химик»
(Воскресенск) командасини 3:2 ҳисо-
бида мағлубиятга учратдилар.

ҒАЛАБА БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Янгила Челябинск шаҳрида қўл тў-
пи бўйича СССР зонал мусобақалари
бўлиб ўтди. Бунда 15—16 ёшлиги йи-
гит-қизлар куч енашдилар. Респу-
бликамиз спорт шарафини Тошкентда-
ги болалар-ёшлар спорт мактаби
командалари ҳимой қилди.

Ўзбекистон спортчилари Қозоғис-
тон, РСФСР, Озарбойжон, Қирғизис-
тон ва Туркменистон республикалари
командалари билан учрашиб, ҳамма

Узбекистон спортчилари Қозоғис-
тон, РСФСР, Озарбойжон, Қирғизис-
тон ва Туркменистон республикалари
командалари билан учрашиб, ҳамма

ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

Студентлар шаҳарчасидаги спорт
павильонда «Буревестник» йўналиши
студентлар жамияти республика со-
вети чемпионлиги учун мусобақалар
бўлди. 80 дан ортиқ полвонлар ишти-
роқ этган бу мусобақаларда кескин
олишувлар кўп бўлди.

Шахсий ҳисобда К. Жабборов, М. Ли,
Х. Шамсутдинов (ҳаммаси Тошкент-
лик), В. Хлопов (Фарғона), Ж. Тула-
ганов, А. Қуриқин, П. Ёқубов (ҳамма-
си Тошкентдан), А. Минот П. Агапов
(инкаласи Фарғонадан), Г. Қанақ
(Тошкент)лар ўз ваазинада чемпион
чиқдилар.

Х. ДУСТМУҲАМЕДОВ.

РЕКЛАМА

ВА

ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ.

17.55—Кўрсатишлар програм-
маси.

Рус тилида: 18.00—Телеянгилчи-
лар.

Ўзбек тилида: 18.10—Болалар
учун эшитириш, 18.45—Миллион-
лар ленинча университети, 19.00
— Февзи Вилолов куйлайди, 19.40
— Телеянгилчи, 19.55 — Пах-
таюрлар учун эшитириш, 20.25—
Кўрсатишлар программаси.

20.30 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ.

17.55—Кўрсатишлар програм-
маси, 18.00—Болалар учун рус
тилида кинофильм.

Ўзбек тилида: 18.20—Ўзбекистон
халқ усталари, 18.40—Киноленин-
нома «Абдўл мур».

Рус тилида: 19.00—«Здоровье»
программаси, 19.40 — Телеочери,
20.00—«Катта раҳмат, дўстлар».

Ўзбек тилида: 20.35 — Ўзбекис-
тон гуллари, 20.55—Шу куннинг
созандалари, Озод Анбаров, 21.35
— «Николай Бауман» (бадий
фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00—«Мен — Қозғистонман»
(телефильмнинг иккинчи серияси).

Рус тилида: 20.40 — Телеспек-
такль, 22.10—Карелия куйлари.

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМЛИ АКАДЕМИК
КАТТА ТЕАТРДА — 9/IV да Лайли
ва Мажнун.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРА-
МА ТЕАТРИДА — 9/IV да Алишер
Навоий, 10/IV да Бой ила хизмат-
чи.

МУҲИМИН НОМЛИ ТЕАТРДА —
9/IV да Ўн икки кеча ёни турфа
ҳангомалар, 10/IV да Фарғона тонг
отгучи.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ»

ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/IV да Дий-
дор, 10/IV да Учинчи орзу.

КИНО

Катта соврин (1-2 сериялар) —
«ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОС-
КВА», «ДРУЖБА» (сундуз ва кеч
кўруш), НАВОЙИ НОМЛИ (орфабо
10, кундуз соат 1.30 минут, кеч
9 яримда).

Қўлга тушмас ҳасоскорларнинг
лиги саргузаштлари — «ЧАНКА»
(кундуз ва кечкўруш).

Сен менинг ҳайтимсан (1-2 се-
риялар) — НАВОЙИ НОМЛИ (кундуз
соат 4 ярим ва кеч 7 да, ўзбек ти-
лида).

ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ

5-ҚИРИЛШ ТРЕСТИГА
ғишт теруучилар, дуралгор-
лар, арматурачилар, бўғичи-
лар, сайкал беруучилар.

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-муно-
фоти.

Елғиз кишилар яхши ниҳоз-
ланган ётоқхона билан, оила-
ларга навабати билан уй бери-
лади.

Мурожаат учун адрес: Тош-
кент шаҳри, Ш. Руставели кў-
часи, 53-уй, надрлар бўлими
(7, 9, 11, 14 трамвайлар, 2, 3,
26, 34 автобуслар, 2, 6 троллей-
бусларнинг «Театральной» бе-
кати).

Ғафур Ғуллом номидаги

бадий адабиёт нашриёти дирек-
цияси, партия ташкилот, ма-
ҳаллий комитети ва бугун кол-
лектив нашриётнинг старший
редактори, СССР Журналистлар
Союзи аъзоси

Рустам
КОМИЛОВНИНГ
бевақо вафот этганини муно-
сабати билан марҳумнинг оила-
сига чуқур таъзия билдилади.

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети бирлашган
нашриётнинг босмаҳонаси,
Тошкент шаҳри.

Р. 02882.
ИНДЕКС — 6469.
Б — 2255.